

Кишининг жони узилганидан сўнг...

20:55 / 27.04.2016 4632

Кишининг жони узилганидан сўнг, унинг энгаги боғланади, юзи ёпилади. Шундан сўнг қандай дуо ўқилади? Шунингдек, ювгучи кетгандан сўнг ўқиладиган дуолар ҳамда майитни мазорга олиб кетишганидан сўнг уйда аёллар ўқийдиган дуолар ҳақида айтиб берсангиз. Майит учун қандай нафл намоз ўқиш мумкин?

Кишининг жони узилганидан кейин, жағини танғиб қўйиш бу шариатни кўрсатмаси ҳисобланади. Чунки жағини ана шундай боғлаб қўйилмаса тана қотаятганда оғзи очилган ҳолда ёки кўзи очилган ҳолда ёки кўзи очилган ҳолда қотиб қолса, кўриниш хунук бир ҳолатга келади. Шунинг учун кўзини ҳам ёпилиб, жағини ҳам боғлаб қўйилишини ҳикмати шу. Шунда кўзи юмилган, жағи ўрнида турган ҳолда тана қотса бир кўриниши ҳам ҳамма тарафи бир қўрқинчли бўлиш ёки хунук ҳолатларидан йироқда бўлади. Энди ўша ҳар бир ишни қилаётганда дуо ўқиш шариатга жорий қилинмаган, йўқ. Ювгучи кетгандан кейин ўқиладиган дуолар ҳам, майитни кўтариб чиқиб кетгандан кейин аёллар ўқиладиган алоҳида дуолар ҳам йўқ. Ҳаттоки уламоларимиз шаҳодат калималарини ҳам овоз чиқариб айтилмайди деган. Асосан сукут, сокинлик, жимлик ҳукм суриши керак. Ичида эса одамлар ўлимни эслаб туришлари, ўлган кишига мағфират сўрашлари, ҳоҳласа ташаҳҳуд ёки бошқа нарсаларни фақат ичида айтишлари лозим. Бундан ҳар бир ҳолатга бағишланган дуо йўқ, бўлса ҳам одамлар ўзлари жорий қилиб олган, шариатни кўрсатмаси эса ундай эмас. Майит учун қандай нафл намоз ўқиш мумкин деган саволга ўша майит дафн қилинган куни аҳли солиҳ кишиларимиз шомдан кейин икки ракаат намоз ўқиб савобини ана шу марҳумга бағишлаб қўйишлари бор.